



## TOSHKENT VILOYATI CHINOZ TUMANI HOKIMI Q A R O R I

2021 - yil 14 - iyun

119-10-144-Q/21

Chinoz tuman hokimligi

### Тошкент вилояти ҳокимининг

#### 2021 йил 3 июндаги 278-сонли қарори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикаси инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5495-сон Фармони, 2017 йил 16 июндаги ПҚ-3067-сон “Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда тумanning инвестиция муҳитини яхшилаш ва давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш мақсадида,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Тошкент вилояти ҳокимининг 2021 йил 3 июндаги 278-сонли қарори билан ҳудудий танлов комиссиясининг таклифларига асосан белгиланган тартибда **баҳоланиб, бозор нархларида** ҳамда Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш шарти билан “1 сўм” бошланғич қийматида “E-ijro aukcion” савдо майдончасига чиқариладиган давлат мулки объектлари иловаларга асосан тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш шарти билан “1 сўм” бошланғич қийматида “E-ijro aukcion” савдо майдончасига чиқарилган давлат мулки объектлари рўйхати **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман Инвестиция ва ташқи савдо бўлими (М.Қодиров) давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят бошқармаси маъсул ходими билан биргаликда:

-икки ойлик муддатда мазкур қарорнинг иловасига мувофиқ давлат мулки объектларни ўрнатилган тартибда “E-ijro aukcion” электрон савдо майдончасига чиқарилишини таъминлансин.

4. Туман ер мулк кадастр бўлими (Ж.Кўчқоров) савдога чиқариладиган объектларни кадастр ҳужжатларини расмийлаштирилишини ташкил этсин.

5. Туман Инвестиция ва ташқи савдо бўлими (М.Қодиров), тадбиркорликка кўмаклашиш маркази (И.Мамуров), давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят бошқармаси вакили оммавий савдолар орқали сотилиши белгиланган объектлар бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, оммавий ахборот воситаларида эълонлар бериш, объектлар бўйича маълумотларни интернет веб-сайтларида жойлаштириш тадбирларини амалга оширсинлар.

6. Сотилиши белгиланган барча давлат мулки объектлари сотилгунга қадар тўлиқ ва бут ҳолда сақланишига балансда сақловчи ташкилот раҳбарлари маъсул эканлиги белгилаб қўйилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари М.Зуфаров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Б. Алимбеков

Чиноз туман ҳокимининг  
2021 йил 14 июндаги  
119-10-144-Q/21-сон қарорига  
1-илова

**Белгиланган тартибда “E-IJRO AUKSION” савдо майдончаси орқали  
тадбиркорлик субъектларига Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни  
бажариш шарти билан “1 сўм” бошланғич қийматда сотладиган давлат мулки  
объектлари**

№	Объект номи	Манзили	Эгалаган майдони		Инвестиция суммаси (млн.сўм)	Яратиладиган янги иш ўрни	Инвестиция киритиш муддати (ой)	Балансда сақловчи номи	Объектда ташкил этиладиган фаолият тури
			Жами (га)	Бино-иншооти (кв.м)					
1	Нотураар жой биноси	Бирлик МФЙ	0,015	150,65	200	5	12	Чиноз туман ҳокимлиги	Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш